

**СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ҚўЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ВА  
МУДДАТЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ**

*Азимова Мадинабону Гуламджановна*

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва*

*етиштириши агротехнологиялари*

*илмий-тадқиқот институти*

*қишлоқ хўжалиги фанлари*

*фалсафа доктори, (DSc) докторант*

*Тел : (+998909830598)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Гром навида макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини кузги буғдой дон ҳосилига таъсири аниқланган.

**Калит сўзлар :** кузги буғдой, суспензия, макро ва микроэлементли ўғитлар, бошоғ, дон.

Инсониятни энг буюк кашфиётларидан бири дон экинларини маданийлаштириб, уларни уруғини далага экиб, кўп миқдорда дон етиштиришни ўрганди. Ҳалқ хўжалигида дон маҳсулотларини аҳамияти жуда катта чунки инсониятнинг асосий озиқ-овқатлари ҳисобланган нон ва нон маҳсулотлари, макарон, вермишел, ва ҳар хил ёрмалар дондан тайёрланади. Бундан ташқари чорвачилик учун кўп миқдордаги омукта емлар дондан тайёрланади. Шунинг учун аҳолини манашу эҳтиёжни қондириш учун дон етиштиришни муттасил кўпайтириш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Йилдан йилга ғалла етиштириш кўпайиб Республикамизда ички бозор тўлиқ дон ва дон маҳсулотлари билан таҳминланиб, ғалла экспорт қилишга эришилди.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таоминланишини кескин яхшилаш ҳамда унинг узлуксизлигига имконият яратиш ҳозирги даврнинг энг масъулиятли масаласидир

Бизнинг дала тажрибаларимизда ҳам кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш кўзда тутилган. Тошкент вилояти шароитида дала тажрибаси 2021-2022 йил ПСУЕАИТИ тажриба участкасида ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган далаларда олиб борилган. Тажрибада кузги буғдойнинг “Гром” нави экилган. Тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 ярус, 3

қайтариқда, делянкалар майдони  $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$  ни, ҳисоблиси  $48 \text{ м}^2$  ни ташкил этган.

Тажрибада маъдан ўғитлар билан биргаликда макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни турлари қўлланилди: Ўғитларнинг меъёрлари тажриба тизими асосида (муддат ва турли меъёрларда) қўлланилган

Маълумки, кузги буғдойда қўлланилган барча агротехник тадбирларни самарадорлиги (шу жумладан суспензияларни ҳам) уларни дон ҳосилига бўлган таъсир даражаси билан ўлчанади.

Айтиш жоизки, изланиш йилида (2022 й.) кузги буғдойни дон ҳосили суспензия қўлланилмаган назорат вариантыда 3 та қайтариқ бўйича ўртача 44,5 ц/га ташкил қилган.

Карбамиддан тайёрланган суспензия қўлланилган 2; 3; 4 вариантларда 3 та қайтариқнинг ўртача дон ҳосили 47,3; 53,1 ва 51,4 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 2,8; 8,6 ва 6,9 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Нисбатан юқори қўшимча дон ҳосили кузги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида карбамид ўғитидан 6,0; 8,0; 10,0 л/га меъёрларида тайёрланган суспензия қўлланилганда олинган.

IFO UAN 32 суспензияси қўлланилган 5; 6; 7 вариантларда 3 та қайтариқнинг ўртача дон ҳосили 55,4; 57,3 ва 54,1 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 10,9; 12,8 ва 9,6 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Нисбатан юқори қўшимча дон ҳосили кузги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида (12,8 ц/га, 6-вар) IFO UAN 32 суспензияси 3,0; 3,5; 4,0 л/га меъёрларидан қўлланилганда олинган. IFOCOMBI Fe суспензияси қўлланилган 8; 9 ва 10 вариантларда 3 та қайтариқнинг ўртача дон ҳосили 51,4; 54,2 ва 53,7 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 6,9; 9,7 ва 9,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Нисбатан юқори қўшимча дон ҳосили кузги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида (9,7 ц/га, 9-вар) IFOCOMBI Fe суспензияси 3,5; 4,0; 4,5 л/га меъёрларда тайёрланганда олинган. IFOMACROMIX суспензияси қўлланилган 11; 12; 13 вариантларда 3 та қайтариқнинг ўртача дон ҳосили 56,5; 57,0 ва 55,0 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 12,0; 12,5 ва 9,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Нисбатан юқори дон ҳосили кузги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида мос равишда IFOMACROMIX суспензиясини 3,0; 3,5; 4,0 л/га меъёрларда қўлланилганда олинди ва 57,0 ц/га ташкил қилди.

AMINOCAL суспензияси қўлланилган 14; 15; 16 вариантларда 3 та қайтариқнинг ўртача дон ҳосили 55,1; 56,6 ва 53,8 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 10,6; 12,1 ва 10,5 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Нисбатан юқори қўшимча дон ҳосили кузги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида (12,1 ц/га,15-вар) АМИНОСАЛ суспензияси 4,0; 4,5; 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда қайд қилинди. Суспензиялар қўлланилганда юқори дон ҳосили IFO UAN 32 (6-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га, (57,3ц/га), IFOMACROMIX ни (12-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га (57,0ц/га) ва АМИНОСАЛ(15-вар) 3,0;4,0;5,0л/га (56,6ц/га) меъёрларидан олиниб, қўшимча дон ҳосили 12,8; 12,5 ва 12,1 ц/га ни ташкил этган.

Шундай қилиб, кузги буғдой дон ҳосили маълумотларига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: суспензиялар турлари ва қўлланиш меъёрларидан қатъий назар кузги буғдой дон ҳосилини назоратга нисбатан ортишига сабаб бўлади, уларни нисбатан юқори таъсири кузги буғдойни найчалаш ва бошоқлаш даврларида фақат азотли ва калцийли ўғитлар қўлланилганда кузатишган.

### Адабиётлар

1. Ҳ.Юсупов,А.Муратқасимов,Ж.Нишанов.Лалмикор ерларда кузги буғдойни барги орқали озиклантириш.AGRO ILM 4 [54]-SON,2018,23-24б.
2. М.М.Собиров, С.Р.Мирсалимова, Р.М.Назирова, С.М.Таджиев Ж.Турғунбоев. Суспензияли комплекс ўғитлар олиш..Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 406-407.б
3. Б.М.Азизов,Р.Рўзиметов,Р.Ишчанов,А.Курбанов.Суғориладиган шароитда кечки азотли озиклантиришнинг кузги буғдой сифатига таъсири.” Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истикболлари”. мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами Тошкент, 2009 й. 322-323- б
4. Дадахожаев А.Т., Эркаев А.У., Алиев А.Т., Ким Р.Н. Рекомендации по применению карбамидно-аммиачной селитры (КАС), Ташкент, 2006, 13с